



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 18 июль, № 146 (7104)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎҚИТУВЧИНИНГ ИЖТИМОЙ МАВҚЕИНИ ОШИРИШ ЎҚУВЧИ КАМОЛОТИНИНГ БОШ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июль куни умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, соҳанинг масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.

Кейинги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ, Халқ таълими вазирлигининг бошқарув тизими такомиллаштирилди, асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгилаб берилди. Яқинда вазирлик раҳбариятида ўзгаришлар амалга оширилиб, ўқув-тарбия жараёнига илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқитувчиларнинг ижтимоий мавқеини юксалтириш орқали таълим сифатини ошириш бўйича кўплаб вазифалар қўйилди.

Йиғилишда ушбу кўрсатмалар асосида ишлаб чиқилган халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар тақдироти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари умумий ўрта таълим тизими инсон ресурсларини ривожлантиришнинг пайдорови, мактаблар ёшларда билим, дунёқараш ва маънавий асосларини шакллантирувчи асосий маскан эканини таъкидлади.

Бугун мамлакатимиздаги 9,7 минг мактабда 5,2 миллион ўқувчи таълим олади, ўқув-тарбия ва бошқарув жараёнида 250 мингдан зиёд ходимлар меҳнат қилади.

Йиғилишда қайд этилганидек, кейинги йилларда коллеж ва лицейларга кўпроқ эътибор қаратилиб, умумтаълим мактабларини замон талаб-

ларига мослаштириш, уларни яхлит тизимга бирлаштириш масаласи четда қолди. Ушбу тизимга бюджет маблағлари охириги навбатда ажратиб келинди, халқ таълими ходимлари ўз вазифасидан ташқари бошқа ишларга мунтазам жалб қилинди. Оқибатда таълим сифати пасайиб кетди.

Ўқитувчилар болалар билан ишлаш ўрнига, ота-оналардан пул йиғиш, турли текширувчи комиссияларни "рози қилиш" билан овоза бўлиб қолди. Бу эса, давомат тушиб кетиши, ўқувчиларнинг қаровсиз қолиши, тарбияси бузилиши ва айрим ҳолларда турли зарарли оқимларга қўшилиши ҳолатларини келтириб чиқарди.

Ҳозир замоннинг ўзи "инсон капитал"га сармоа киритишни кўпайтиришни тақозо этмоқда. Негаки, бугун сармоядор илгаригидек арзон иш кучи бор жойга пул тикаётгани йўқ. Сабаби, шиддатли илмий-техник тараққиёт малакасиз ишчига эҳтиёжни кескин қамайтириб юбормоқда.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирлиги раҳбариятига ушбу тизимда тўпналиб қолган муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Давлатимиз раҳбари масаланинг кўлами ва таълим тизимининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, аввало, ўқитувчининг ижтимоий мавқеини ошириш зарурлигини таъкидлади. Мисол учун, Жанубий Корея, Япония, Германия, Канада каби давлатларда ўқитувчининг маоши мамлакатдаги ўртача ойликдан 1,5 баробар кўп. Мамлакатимизда эса ўқитувчининг маоши ўртача ойликнинг атиги 79 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг мавқеини ошириш учун уларни бегона ишларга жалб қилишни, фаолиятини текширишни чеклаш керак. Бунинг учун ўқитувчининг ҳақ-хўкуқини ҳимоя қиладиган махсус ҳуқуқий хизматни шакллантириш, ижтимоий роликлар яратиб, уларнинг обрўсини ошириш зарур.

Айни пайтда умумтаълим мактаблари директорлари ва уларнинг ўринбосарларига қўйиладиган талабни қайта кўриб чиқиш лозим. Яъни ҳақиқий бошқарувчи (менежерлик) қобилиятига эга бўлган кадрларни директорликка тайинлаш, маънавий-маърифий ва ўқув ишлари бўйича ўринбосарлар масъулиятини кескин ошириш, сертификация тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу мактабларда ички жамоавий назорат тизимини яхшилашга хизмат қилади. Намунавий мактабларни кўпайтириш учун уларнинг рейтингини ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев халқ таълими тизимда молиялаштириш қонирқисиз аҳволда эканини яна бир бор таъкидлаб, ўтган йили соҳага ажратилган бюджет маблағларининг яппи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 4,1 фоиздан 3,8 фоизга қамайганини қайд этди. Шунинг учун Молия вазирлиги 2019 йилда Давлат бюджетини шакллантиришда маъмур соҳанинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Давлатимиз раҳбари тизимга юқори малакали мутахассислар жалб қилишни, Халқ таълими вазирлиги ҳузурида уларни рағбатлантириш мақсадида алоҳида жамғарма ташкил этишни тақлиф қилди.

Яна бир муаммо мактабларни

қуриш ва реконструкция қилиш бўйича бир неча давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилганига қарамай, уларнинг 60 фоизи таъмирталаб аҳволда қолаётганидир. Асосий сабаб эса қурилиш-таъмирлаш ишларида "нопок" пудратчилар жалб этилаётганида. Шу муносабат билан тегишли мутасаддиларга халқ таълими тизимда махсус инжиниринг компанияси ташкил этиш бўйича тақлиф бериш топширилди.

Шавкат Мирзиёев умумий ўрта таълим сифатини янги босқичга кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бунда давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини ўқувчининг ҳар бир синфда қайси кўникмаларга эга бўлишни инобатга олган ҳолда, қайта кўриб чиқиш керак. Олий ва мактабгача таълим тизимлари билан ўзвийлиқни таъминлашга ҳам эътибор бериш лозим.

Шу билан бирга, энг замонавий услублар асосида дарсликлар яратиш ва чоп этиш, мактабларда технология, муҳандислик фанлари, математика, санъат, чет тиллари йўналишларини қучайтириш, уларга тааллуқли лабораторияларни қайта жиҳозлаш керак бўлади. Бу ўқувчиларда кўпроқ мустақил таълим олиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради.

Президентимиз таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш лозимлигини таъкидлади. Хусусан, ўқув жараёнини самарали бошқариш тизимини йўлга қўйиш учун ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар ва мактаблар бўйича маълумотлар базаларини яратиш, уларни марказлаштириш керак. Ўқувчиларни биринчи синфга қабул

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўсимликларни ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ноёб ботаник коллекцияларни сақлаш шароитларини яхшилаш, ўсимлик дунёсини ўрганиш, сақлаб қолиш ва ундан барқарор фойдаланиш бўйича ихтисослашган вазифаларни жадал хал этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг (кейинги ўринларда — Институт деб юритилади) илмий фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

Институтни Ўзбекистоннинг табиий ўсимликлар хилма-хиллигини ўрганиш соҳасидаги ягона давлат илмий муассаса сифатида белгилаш тўғрисидаги тақлифлари маъқулланган.

2. Институтнинг ноёб илмий объекти "Марказий гербарий" миллий аҳамиятга эга гербарий деб тан олинсин ва унга "Ўзбекистон миллий гербарийси" (кейинги ўринларда — Миллий гербарий) номи берилсин.

3. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Миллий гербарийнинг илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш бўйича 2018 — 2020 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Институт ва Фанлар академияси Миллий гербарийни махсус асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида илмий ва компьютер ускуналари, приборлар, реагентлар, бутловчи қисмлар, сарфлаш материаллари, дастурий таъминотлар ва техник воситаларни халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасалари объектлари реализациясидан тушган бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ўрнатилган тартибда харид қилсин.

5. Институт таркибида: ноёб ва эндем ўсимлик турлари бўйича мақсадли илмий тадқиқотларни олиб бориш ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби нашрларини халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш вазифалари юклатилган ноёб ўсимликлар турлари кадастри ва мониторинги лабораторияси;

Ўзбекистон табиий флорасининг таксономик хилма-хиллигини хатловдан ўтказиш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб бориш, ўсимликларнинг инвазив турлари тарқалиши ва географик тарқалишини белгилаш, алоҳида аҳамиятга эга ботаник ҳудудларни аниқлаш ҳамда ўсимликлар дунёсининг замонавий номенклатураси ва филогенетик тизими асосида "Ўзбекистон флораси"нинг янги нашрларини тайёрлаш вазифалари юклатилган Ўзбекистон флораси лабораторияси;

Институтнинг илмий тадқиқот ва ўқув-амалий фаолиятидаги ютуқларини оммалаштириш, шунингдек, кенг жамоатчиликни Ўзбекистоннинг ўзига хос ўсимликлари хилмаҳиллиги билан таништириш мақсадида Ботаника музейи ташкил этилсин.

6. Фанлар академияси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, "Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг Фанлар академиясини Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш ва чоп этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилаш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини тайёрлаш, чоп этиш ва юритиш тартибини тасдиқласин.

7. Илмий бўлинмаларнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ва илмий тадқиқот фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

Институтнинг ғўза систематикаси ва интродукцияси лабораторияси, "Ғўза генофонди" ноёб илмий объекти ва иссиқхона комплекси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтига;

(Давоми 2-бетда).



Депутат фикри

Мамлакатимизда ўтган вақт мобайнида бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичини яхшилаш бўйича қатор қарорлар қабул қилиниб, бу борада яхши натижаларга эришилгани жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Кейинги беш йил ичида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистоннинг рейтингини 2 баравардан ортиқ яхшилланиб, жаҳоннинг 190 та мамлакати орасида 2012 йилдаги 166-ўриндан 2017 йилда 74-ўринга кўтарилгани, бизнес юритиш учун энг қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш кўрсаткичи бўйича ислохотчи мамлакатларнинг биринчи ўнлигидан жой олгани бежиз эмас.

Ўзбекистонда бизнес юретиш учун энг қулай шароит яратилади

Бироқ тараққиёт, ривожланиш деганларни ҳеч қачон бир жойда депсиниб, тўхтаб туришни хуш кўрмайди. Бу борада сусткашликка йўл қўйган давлат юксалишдан ортда қолади. Улоқни эса ўзгалар илиб кетади.

Айни ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқиб, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини юзага келтириш, бизнес юритиш учун мавжуд халқаро нормалар ва стандартлар талабларига мос фаолиятни амалга ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш учун мақбул шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 июлда қабул қилинган "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги яна бир муҳим қадам сифатида соҳада кузатилаётган мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда Ўзбекистоннинг рейтингини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорда амалга оширилиши зарур бўлган комплекс чора-тадбирлар аниқ белгилаб берилди. Хусусан, инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг стратегик

мақсади — тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатда 2022 йилгача Жаҳон банки ҳамда Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" ҳисоботидаги жаҳон мамлакатларининг биринчи йигирматалиги даражасига мос келадиган энг қулай шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган.

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тақлифларни яратиш кўзда тутилган. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси билан ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифаси Президент ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига юклатилиб, маъмур орган шу соҳа бўйича ваколатли орган деб ҳисобланиши белгиланди.

(Давоми 3-бетда).



2018 йил – ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ йили

Ободлик ва фаровонлик йўлидаги саъй-ҳаракатлар

мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигига хизмат қилмоқда

Ободлик ва фаровонлиқни таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан қўзланган асосий мақсадлардан бири саналади. Зеро, айна шу тамойил бўйича бажарилаётган юмушлар туфайли жойларда бутун бошли обод гўшалар пайдо бўляпти, йирик-йирик sanoat объектилари фойдаланишга топшириляпти. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, аҳоли бандлиги ва турмуш даражаси яхшилланишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

Узумчилик соҳасини истиқболда нималар кутмоқда?

Ёхуд эътиборталаб тармоқдаги янгиланишларга назар.

Юртимизнинг бетакрор иқлими бизга қандай имкониятларни туҳфа этмайди, дейсиз?! Ўлкамизда йилнинг ўртача 320 кун қуёшли бўлиши, фаслар тўқислиги Ер юзидаги кўплаб мамлакатлар аҳолиси учун мўъжизадек гап. Шу боис заминимиз ноз-неъматлари довруғи етти иқлимга таралган, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Биргина узумнинг қанча нави бор?! Уларни қайта ишлаш орқали экспорт салоҳиятини юксалтириш, миллий брендимиз остидаги маҳсулотларимиз шухратини янада ошириш мумкин. Бинобарин, боғбону соҳибқорларимиз бу борада катта тажриба тўплаган. Токзорларимиздан олинган ҳосил бир пайтлар баланд бўлган. Бироқ охириги йилларда маъмур тармоқ бирмунча эътибордан четда қолди. Оқибатда токзорлар 2010 йилдаги қиёлаганда 8,3 минг гектарга қисқарган, ҳосилдорлик ҳам пасайиб кетган.

Қайд этиш жоизки, охириги йилларда узумчилигимиз довруғини қайта тиклаш йўллари изланиб, бунинг учун ҳуқуқий асослар яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил

28 февралдаги "Виночилик соҳасини ва алко-голли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди ушбу йўналишда кўплаб устувор вазифалар белгилаб берилдики, уларнинг ижроси келгусида соҳада мўайян ютуқлар қўлга киритилишига замин яратяди.

Хўш, айна пайтда маъмур хужжат ижросини таъминлаш юзасидан қандай ишлар амалга оширилимоқда? Узумчилик истиқболи нималарда намоен бўлади?

"Ўшаробсаноат" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Отабек МУСТАФАЕВ билан ана шулар хусусида фикрлашдик.

(Давоми 3-бетда).



Китоб жавонингизга

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи бежирим дизайн асосида бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти намуналарини китобхонлар эътиборига тақдим этади.

«Атиргулнинг тикони»

Мазкур китобга бир неча йиллар давомида “Тафаккур” журналида чоп этилган жаҳон адабиётининг сара ҳикоялари жамланди. Мавзуси, ифодавий шакли, услуби ва жуғрофиясига кўра ранг-баранг бўлган кичик асарлар нозиктаъб китобхонларнинг эътирофини қозонишига шак-шубҳа йўқ.

«Евгения Гранде»

Оноре де Бальзак ўн тўққизинчи аср француз адабиётининг чинакам бадий мусаввиридир. Унинг барча асарларида бешафқат реализм устуворлик касб этади. Шунинг учун ҳам китобхонлар унинг — “Евгения Гранде”, “Горио ота”, “Цезарь Бирото”, “Деҳқонлар” каби асарларини севиб мутолаа қилади.

Романча Гранде образи орқали ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўядиган ва бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайдиган кишининг тамағирлик хусусиятлари мароқли ва ҳаққоний талқин этилади.

«Ko`klam qissalari»

Болалик хотиралари одамга кечаяк қундай туйиллаверадилар. Шунинг учун лоқс керак, бу бетакрор дамларни тез-тез кўмсаймиз, соғинамиз. Болаларнинг сеvimли ёзувчиси Носир Ғозилонинг асарларида инсон умрининг илк баҳор кезлари зўр маҳорат билан қаламга олинади ва бу манзаралар ўқувчини оҳанрабодек ўзига тартади.

«Осий банда»

Ушбу китобга йигирманчи асрнинг улкан адибларидан бири Одил Ёкубовнинг “Осий банда”, “Хотиралар” ҳамда “Қарнок” номли бадий асарлари киритилган. Улар алоҳида асарлар бўлса-да, худди бир-бирининг мантйикий давомидек катта ҳаяжон билан ўқилади. Ёзувчи уларда турғунлик замонининг мураккаб, тидғиятли даврларини қаламга олган.

«Ёввойи йўрга»

Жаҳон ёзувчилари орасида Эрнест Сетон-Томпсончалик табиат шайдоси, билимдони, фидойиси топиламаса керак. Адиб умр бўйи табиат билан бақамти яшади, унинг бағридаги жониворларнинг кун кечириши, туриш-турмуши, феълини синчиклаб ўрганди. Бу йўлда кўплаб расмлар чизди, кундаликлар битди, тадқиқотлар олиб борди. “Ёввойи йўрга” ана шундай мислсиз меҳнат, изланиш ва ўрганишлар ҳосиласидир.

Муаллиф айтганидек, бу китоб адабиётда жониворларни тасвирлаш бобида янги, реалистик йўлни бошлаб берди. Унда жониворлар туриш-турмушининг ҳаққоний тасвирларини кузатасиз, завқланасиз, мутолаадан мамнун бўласиз.

«Бевафо кўп экан дунёда»

Элимизнинг ардоқли ва суюкли шоири Муҳаммад Юсуфнинг ушбу тўпламидаги шеърлар ўзининг халқона руҳи, содда ва самимийлиги, оҳангларининг куйма ва равонлиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳам ўқувчининг қалбига қўшиқдай қуйилиб келади ва тезда ёд бўлиб кетади. Тўпламга жамланган шеърларда ишқ-муҳаббат, севги-содоқат, она юртини севиш ҳамда миллий ғурур каби чин инсоний туйғулар қуйланади.

Дилмурод СОДИҚОВ тайёрлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ўзбек киноси, жумладан, болалар мультипликацион фильмларининг мавқеини ошириш йўлида улкан қадам бўлди. Ҳақиқатан ҳам, келажакимиз бўлган ёш авлод таълим ва тарбиясида адабиёт, аниқ фанлар, спорт соҳалари каби мультфильмларнинг ҳам ўрни беқиёс.

Мультфильмлар эзгуликка чорлаши керак

Бугунги кунда телеканалларимиз дастуридан мультфильмлар кенг ўрин олган. Ёш авлод учун турли мавзуларда

бефарқ қолдирмайдиган об-разлар гавдаланади. Мультфильмларнинг ҳаракатдаги нарсаларнинг кетма-кет кела-



Муоммони ҳал қилишнинг бирдан-бир тўғри йўли миллий мультфильмлар яратишдир. Аммо миллий экан деб,

фирибгарлик, алдамчилик, чув тушириш мавзуларидаги эртакларни танлаб, уларнинг сюжетни асосида қанчадан-қанча давлат маблағини сарфлаб мультфильмлар ишлаш ҳам ярамайди.

кўрсатувлар тайёрлаётган “Bolajon” телеканали ҳам кўплаб мультфильмларни эфирга узатмоқда. Улар болаларимизда дўстлик туйғуларини, мардлик, ўз мақсадига қатъий интилиш, одоб-ахлоқли бўлиш каби кўникмаларни шакллантиришга қаратилган. Бинобарин, кичкинтойлар турли жонзотлар иштирокидаги қизиқарли воқеаларни томоша қилишни ёқтиради. Бу фильмларда улар учун ўз киёфасига эга бўлган, куладиган, баъзи-да ташвишли, аммо ҳеч кимни

диган турли ҳолатларни акс эт-тирувчи сурат ва кўғирчоқлар-ни расмга олиш йўли билан тайёрланиб, болалар эътиборини тартади. Сўнгги йиллар-да компьютер воситасида олинган фильмлар кўпайиб бормоқда. Улар “анимацион фильмлар” деб ҳам аталади.

— Телевидениемизда миллий маънавиятимизга мос мультфильмлар сони ва салмоғи тобора кўпайиб бораёттир, — дея ўз мулоҳазасини билдиради филология фанлари доктори, профессор Бокижон Тўлиев.



— Улардаги муваффақият ва камчиликлар ҳақида мутахассислар ўз сўзларини айтишлари лозим. Аммо бир нарсани унутмаслик керакки, мультфильмнинг асосий таянч нуқтаси бадий адабиётдир. Шунга кўра, биз уларга ҳам бадий адабиётнинг ўзига хос тар-

Мушоҳада

ғибӣ, демакки, ёш авлоднинг тарбиясидаги муҳим омил сифатида қарашимиз мақсадга мувофиқдир. Чунончи, яхши китоб тарғибида мультипликация муҳим ўрин тутади. Бунда ранг-баранг шакл ва кўринишларга аҳамият бериш талаб этилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, баъзи чет эл мультфильмларида болалар дунёқарашига тўғри келмайдиган сюжетлар асос қилиб олинади. Уларда эҳтиросли муҳаббатдан тортиб ваҳшийлик, қотиллик ҳам акс этади. Бундай мультфильмларни тақдим этишдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим. Эҳраंगा қўйилишдан ташқари бозор ва дўконларда бундай мультфильмлар дискларини сотиш-ни назоратга олиш зарурати туғилмадикикин?! Ижодкорлар жаҳон классикасига айланган Жонатан Свифтнинг “Гулливер-

нинг саёҳатлари”, Редьярд Киплингнинг “Маугли”, Алексей Толстойнинг “Олтин қалитча ва Буратинонинг саргузаштлари” асарлари, шунингдек, таниқли эртачки ёзувчилар Шарль Перро, Ака-ука Гриммлар, Христиан Андерсен эртаклари асосида қизиқарли, томошабоп анимацион фильмлар яратишган. Бундай мультфильмлар барча замонга хизмат қила олиши билан аҳамиятли. Биргина “Қирол Шер” фильмини олай-лик. Ажойиб сюжет, воқеаларнинг шиддат билан ривожланиши, қаҳрамонлар нутқининг равон ва аниқлиги фильмнинг муваффақиятини таъминлаган, кўшиқлар ҳам ўз ўрнида ишлатилган.

Мутахассислар болалар телевизор ва компьютер олдида узоқ қолиб кетмаслигини мас-лаҳат берадилар. Қанчалик

Киноижодкорлар, соҳа ходимлари телеэкранларда, матбуотда катта лойиҳаларни бошлаб юборишгани ҳақида жуда кўп гапиришди. Шунинг ўз етарлими? Йўқ, албатта. Кенг жамоатчилик билан мулоқот уюштириш, катта аудиторияларда турли одамларнинг фикрларини эшитиш зарурати бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Негаки, энди болаларимиз севиб томоша қиладиган, юртимизни, халқимизни миллий қаҳрамонларимиз орқали дунёга танитадиган миллий мультфильмлар яратилиши шарт. Чунки фарзандларимиз доно ва зийрак. Зўрга ҳаракатланадиган тасвирлар, баландпарвоз диалог билан алдаб бўлмайди.

Шукрулло АБДУЛЛАЕВ.

Тадбир

Зомин туманидаги пурвиқор тоғлар ёнбағрида жойлашган “Алоқачи” болалар оромгоҳида 2006 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдаги ўсмирлар ўртасида спортнинг эркин кураш тури бўйича республика мусобақалари ўтказилди.

Ёш спортчилар — гиёҳвандликка қарши

— Бу тадбир “Биз, ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз!” шиори остида ўтказилди, — дейди Зомин туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Жавоҳир Ғайбуллаев. — Мазкур мусобақада спорт мактабимиз тарбияланувчиларидан 8 нафари голиблик шохсупасига кўтарилишди.

Тадбир сўнггида голиб ва совриндорларга эсдалик совғалар ва дипломлар топширилди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН

Компания ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ турли хил товарларни сотиб олиш учун танлов савдоларини эълон қилади.

1. Савдо предмети:

- кийим-кечак ва формали техник кийим-кечаклар (учувчилар учун);
- препаратлар, дори ва дезинфекцияловчи воситалар ҳамда тиббиётда фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлар;
- тиббиёт аппаратураси ва жиҳозлари;
- ёқилғи-мойлаш материаллари;
- ювиш воситалари (кир ювиш кукуни, атир ва ҳўжалик совунлари);
- китоб ва бланк маҳсулотлари;
- компьютер техникаси ва жиҳозлари, оргтехника, кўп функцияли мослама, компьютер ҳамда оргтехника учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар;
- аккумулятор батареялари;
- автомобиль шиналари;
- ёруғ акустик блок баланд товушли мослама (мигалка) билан;
- лок-бўёқ маҳсулотлари;
- видеокузатув тизими (мониторлар, видеокузатув тизими учун рекордерлар);
- телекоммуникацион жиҳозлар ва алоқа воситалари;
- тренажерлар, полигон жиҳозлари;
- спорт моллари ва инвентарь;
- қўриқлаш ва ёнғинни ўчириш воситалари;

- резина техника маҳсулотлар;
- электролит ва электродлар;
- кабель-ўтказгич маҳсулотлар;
- оргтехникани таъмирлаш бўйича хизматлар.

Танлов савдоларида танлов шартларини бажарадиган, танлов асосида харид қилинадиган маҳсулотларни керакли ҳажмда етказиб бериш тажрибасига эга бўлган фирма ва ташкилотлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар), шунингдек, кичик бизнес субъектлари қатнашиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги эҳтиёжи учун харидни амалга ошириш бўйича доимий фаолият юритадиган ишчи комиссия манзили:

Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй. Мўлжал — Тошкент давлат аграр университети жойлашган чорраха. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 269-88-51, 269-87-79, 269-87-51, 269-88-69, 269-87-55. Факс: (0-371) 260-39-96, 269-87-21. Электрон почта: mudofaa@cron.uz

3. Етказиб бериш шартлари — Тошкент шаҳридаги омборга, хорижий етказиб берувчилар учун — СІР-Тошкент.

4. Етказиб бериш муддати — шартнома бўйича, аммо 2018 йил 20 декабрдан кечиктирмай.

5. Тўлов шартлари — 15 фоизи олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи тўлиқ етказиб берилгандан сўнг.

6. Тижорат таклифлари яшанбадан ташқари ҳар куни қўйдаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент вилояти, Қўрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй. Мўлжал — Тошкент давлат аграр университети жойлашган чорраха.

Факс: (0-371) 260-39-96, 269-87-21.

Тижорат таклифида унинг амал қилиш муддати, етказиб бериш қафолати, тўлов ва етказиб бериш шартлари (алоқа учун телефонлар, ташкилотнинг юридик манзили) кўрсатилиши лозим.

7. Ташкилотлар тижорат таклифи билан бирга қўйдаги маълумотларни тақдим этишлари лозим:

- ташкилотнинг ҳолати ҳақида (ташкилот қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлмаганлиги тўғрисида);
- ташкилот ташкил этилган сана;
- бююртачи билан суд ёки ҳакамлик суди муҳокамасида иши қўриб чиқилмаётганиги тўғрисида.

8. Учувчилар учун тикиладиган формали техник кийим-кечаклар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг техник талабларига мос равишда тайёрланиши лозим. Корхона ва ташкилотлар техник талаблар билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида, шунингдек, мазкур кийим-кечакларни тикиш тартиби бўйича маслаҳатларни вазирлиқнинг Тажиба-синов конструкторлик маркази жойлашган қўйдаги манзилда танишишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 27-уй. Телефон: (0-371) 291-65-81. Мўлжал — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий буюм базаси.

Шунингдек, қўйдагиларни сотамиз:

латта-путталар ва ҳар хил буюмлар (утиль), эски-туски, увада ҳамда қийиндилар (ветошь), ишлатилган турли хил автошиналар ва бошқалар.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 269-88-01, 269-88-03.

4888/245

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



Телефонлар: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳриятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусаххих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. Ўза Якуни — 23.10 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси